

ЧАККА ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ КАСАЛЛИКЛАРДА ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

*Тошкент давлат стоматология институти
Госпитал ортопедик стоматология кафедраси
Ассистент Шарипов Салим Саломович
Махаммадалиев Собир Алимжанович
Муродова Зилола Баходир қизи
Эшонкулов Исломжон Шерали ўғли*

Аннотация: Ушбу мақолада чакка пастки жағ бўғими касалликларда инновацион усулларнинг таъсирининг замонавий усулларини амалиётга тадбиқ қилиш ҳақида адабиётлар шархланди.

Калит сўзлар: “протез”, “стоматология”, “дисфункция”, “пластинка”, “окклюзия”, “технология”, “ортопедия”, “инновация”.

Олинмайдиган протез ёрдамида бошқа тишлар билан бирлаштириб бўлмайдиган якка турган тишлар, агар уларнинг калта тўмтоқ қисмига қопламани бириктириш ва канал облитерацияси туфайли уни ўзак билан янада яхшироқ маҳкамлашнинг иложи бўлмаса, олиб ташланиши керак. Тишлов аномалиялари ва тиш қаторлари нуқсони билан бирга тишлар патологик едирилиши кечганда юз-жағ соҳасида морфологик, окклюзион, функционал ва эстетик бузилишларга олиб келади. Шунинг учун ҳам бу оғир кўринишдаги патологияларни асосан ортопедик даволанади (Маннанова Ф.Ф., 1996 Мауро Фрадеани 2007. Муравянникова Ж. Г.,2003).

Чуқур тишловда кўпроқ вертикал кўринишдаги патологик едирилиш: юқориги олдинги тишларнинг танглай юзаси ва улар антагонистларинг лаб юзаси едирилиб тиш тож қисми юпқалашиб қолади. Моляр тишларнинг йўқлиги ёки едирилиши чуқур травматик тишловни келтириб чиқаради. Медиал тишловда пастки жағнинг олдинга сурилиши оқибатида юқориги олдинги тишларнинг лаб юзаси ва улар антагонистининг тил юзаси едирилади. Кесишган тишловда тишлар патологик едирилиши аралаш кўринишда кечиши кузатилди. 46 нафар беморда чегараланган ва 10 нафарида тишларнинг тарқоқ патологик едирилиши кузатилди. Юқоридаги кузатувларда клиник кўринишлар тишларни протезлашни қийинлаштиради. Беморларни ортопедик даволашда қуйидаги мақсадлар қўйилган: оғиз бўшлиғи шиллик қавати жарохатини бартараф қилиш, тишлов баландлигини тиклаш, тишлар анатомик ва функционал ҳолатини тиклаш, чайнов функциясини тиклаш (Руденкова Н. П., 2000 Рогожников.Г.И.,2003).

Тишлар патологик едирилиши фротал сохада тишлов типига боғлиқ бўлади: тўғри тишловда горизонтал едирилиш, чуқур бекилишда ва чуқур тишловда вертикал куринишдаги едирилишлар кузатилади. Инсон ҳаёти давомида эмал ва дентиннинг едирилиш оқибатида йўқолиши кузатилади. Тишлар чиқгандан сўнг маълум даражада ишқаланиш оқибатида едирилади, у фақат эмаль қаватида бўлади, шунинг учун буни физиологик едирилиш дейилади. Бу ҳолатнинг яққол кўриниши тишлар жипслашиши, эмаль ва дентиннинг қаттиқлиги, овқат турига ва чайнов босимига боғлиқ бўлади. Физиологик едирилиш ҳам икки кўринишда, яъни горизонтал ва вертикал бўлади. Горизонтал едирилиш кўриниши- кесувчи тишлар кесув қиррасида, қозиқ, пемоляр ва моляр тишлар дўмбоқчаларида кузатилади. Вертикал физиологик едирилиш тишларнинг контакт юзаларида кузатилиб, вақт ўтиши билан контакт майдончалар хосил қилади (Поспелов А. Н. 2000).

Гуныко В.Н (2003) Функционал окклюзияни бузилиши билан борадиган чакка пастки жағ бўғими касалликларини комплекс даволашда қуйидагиларни: оғиз бўшлиғи санацияси, оғиздаги мавжуд бўлган протезларни коррекция қилиш, тишларни танлаб чархлаш, ортопедик ва ортодонтик даволаш, физиотерапия ва миогимнастика. Чакка пастки жағ бўғими касалликларини ортопедик даволашга қуйидаги ҳолатлар кўрсатма бўлиши мумкин. Тиш қаторларини бутунлигини бузилиши, окклюзион мунособатини бузилиши, тишловни пасайиши заминидан кечадиган юз жағ системаси фаолияти бузилишлари (дисфункциялар) ҳолатларида қўлланилади. Шундай қилиб ортопедик даволаш чакка пастки жағ бўғими дисфункциясига олиб келадиган ва таъсир қилаётган патоген факторларни бартараф этиш ва муҳофаза қилишга қаратилган ортопедик даволаш доимий ва вақтинчалик даволаш аппаратлари қўйиш билан амалга оширилади. Вақтинчалик даволаш аппаратларига окклюзион шиналар, пласмасса копламалар, имедиант протезлар. Доимий даволаш протезлари олиб қуйиладиган ва олиб қуйилмайдиган. Окклюзион шиналар – даволовчи профилактик аппаратлар (юкори ва пастки тиш қаторларига ўрнатилган). Бундай даволовчи шиналар мушак бўғим дисфункциясида, чиқиш олди ва одатий чиқишда диск силжиши, стоматоневролог симптомларни бартараф этиш учун бўғим боши ҳолатини нормаллаштиради ва окклюзия баландлигини тиклайди. Бундан ташқари окклюзион шиналар ишлатилади: мушак тонусларини пасайтиришга кумакчи ёрдам сифатида, тишларни гичирлаш, тишларни эзиш (босим) оғриқ симптомларни бартараф этиш, чакка пастки жағ бўғими ўткир яллиғланиш касалликларида оғриқларни пасайтириш мақсадида.

Чакка-пастки жағ бўғими дисфункция синдромини яна бир даволаш усули лазер терапиядир, бу усулнинг сарамаси касалликнинг қандай босқичда

эканлигига боғлиқ. Агар патологик жараёнда тўқима ва органларнинг қайта тикланиш қобилияти сақланган бўлса, қизил нурнинг биотик таъсири натижасида тўқималар тикланиши жадаллашади. Агар тўқимада қайтмас жараён содир бўлган бўлса лазер терапия даволаш усули самарасиздир. Лазер терапия икки йўналишда таъсир этади: патологик ўчоқларни парчалаш, шунингдек тўқима ва органларга биостимуляция таъсир. Лазер нурлари оғриқ қолдирувчи, нейронларни стимуляцияловчи, нерв толалари ўтказувчанлигини ва микроциркуляцияни яхшиловчи, мушакларда моддалар алмашинувини жадаллаштириш, оғриқ ўчоғини блокадалаш ва энергия алмашинувини яхшилади (Олейник О.И.1998).

Куцевляк В.И., Рябокони Е.Н. (1995) чайнов мушаклар биоэлектрик активлигини соғлом кишилар ва чакка-пастки жағ бўғими артрози билан касалланган беморларда даволашгача ва даволашдан кейин аниқлаган.

Логина Н.К. М:Партнер (2004) чакка пастки жағ бўғими касалликларини комплекс даволашда магнитотерапияни қўллаган. Улар даволаш жараёнида 50% самарага эришган. Беморлар етти-саккиз ой давомида шикоят қилмаган.

Адабиётлар

1. Сафаров М. и др. Влияние несъемных зубных протезов различной конструкции на микробиологические и иммунологические показатели полости рта //Stomatologiya. – 2014. – Т. 1. – №. 1 (55). – С. 18-23.

2. Сафаров М., Мусаева К., Шарипов С. Олинмайдиган кўприксимон тиш протезларининг оғиз бўшлиғи микробиологик ҳолатига таъсири //Stomatologiya. – 2017. – Т. 1. – №. 2 (67). – С. 51-54.

3. Хабилов Н. Л. и др. ЧАККА-ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ ҲАҚИДА АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 15. – №. 2. – С. 79-85.

4. Хабилов Н. Л. и др. ТИШСИЗ ПАСТКИ ЖАҒ СУЯК ТЎҚИМАСИ ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ СУЯК ИЧИ ТИШ ИМПЛАНТЛАРИГА АСОСЛАНГАН ОЛИНАДИГАН ПРОТЕЗЛАР БИЛАН ЎЗARO ТАЪСИРИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 15. – №. 2. – С. 98-101.

5. Хабилов Н. Л. и др. ЎСМИРЛАР ТИШ ҚАТОРЛАРИ ВА ОККЛЮЗИОН САТҲДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ ЧАККА ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ РИВОЖЛАНИШИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 14. – №. 4. – С. 150-151.

6. Хабилов Н. Л. и др. ЖАҒ ПРОТЕЗЛАРИ ВА ОБТУРАТОРЛАРНИНГ ГИГИЕНИК ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ УСУЛЛАРИГА АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 15. – №. 2. – С. 89-91.

7. Шарипов С. С. и др. ТИШ ҚАТОРИДАГИ АНОМАЛИЯ ВА ДЕФОРМАЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИНИ АМАЛИЁТГА ТАДБИҚ ҚИЛИШ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 15. – №. 2. – С. 86-88.

8. Шарипов С. С. и др. ЧАККА-ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ ДИСФУНКЦИЯСИ ВА ТИШЛОВ АНАМАЛИЯЛАРИГА АДАБИЁТЛАР ШАРҒИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 15. – №. 2. – С. 92-94.
9. Шарипов С. С., Ўткирбек А., Абдусатторович А. З. ЎСМИРЛАР ОККЛЮЗИОН САТҲДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ ЧАККА ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ РИВОЖЛАНИШ ТАЪСИРИГА АДАБИЁТЛАР ШАРҒИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 14. – №. 4. – С. 142-149.
10. Шарипов С. С., Хабилов Н. Л. COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ТИШ ПРОТЕЗЛАШ АМАЛИЁТИНИ ХАФСИЗ САҚЛАШНИНГ УСУЛЛАРИ // EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH. – 2021. – Т. 1. – №. 2. – S. 845-854.
11. Шарипов С. С., Сафаров М.Т., Гаффаров С.А. Влияние несъёмных мостовидных протезов на интегральные показатели крови. // Стоматология КАЗАХСТАНА. – 2014. – Т. 2. – №. 3. – S. 86-91.
12. Lukmanovich X. N. et al. COVID-19 BILAN O'G'RIGAN TISHSIZ BEMORLAR OG'IZ SHILLIQ QAVATI TIZIMIDAGI BUZILISHLAR //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 14. – №. 4. – С. 152-154.
13. Gaffarov S., Sharipov S. ANALYSIS OF MACRO AND MICROELEMENTS IN TEETH, SALIVA, AND BLOOD OF WORKERS IN FERGANA CHEMICAL PLANT OF FURAN COMPOUNDS //European Medical, Health and Pharmaceutical Journal. – 2014. – Т. 7. – №. 2.
14. Toshpo'latova K. va boshqalar. Implant bilan qo'llab-quvvatlanadigan ko'priklardan foydalanadigan bemorlarda travmatik okklyuzionni bartaraf etish texnikasi // Evropa molekulyar va klinik tibbiyot jurnali. – 2020. – Т. 7. – №. 2. – S. 6189-6193.
15. Хабилов, Н. Л., Шарипов, С. С., Салимов, О. Р., & Ўткирбек, А. (2022). ЧАККА-ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ ҲАҚИДА АДАБИЁТЛАР ШАРҒИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ. Journal of new century innovations, 15(2), 79-85.
16. Хабилов, Н. Л., Шарипов, С. С., Салимов, О. Р., & Ўткирбек, А. (2022). ТИШСИЗ ПАСТКИ ЖАҒ СУЯК ТЎҚИМАСИ ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ СУЯК ИЧИ ТИШ ИМПЛАНТЛАРИГА АСОСЛАНГАН ОЛИНАДИГАН ПРОТЕЗЛАР БИЛАН ЎЗARO ТАЪСИРИ. Journal of new century innovations, 15(2), 98-101.
17. Хабилов Н., Шарипов С. ОСОБЕННОСТИ ПРИЕМА ПАЦИЕНТОВ ВРАЧАМИ-СТОМАТОЛОГАМИ В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ НОВОЙ КОРОНАВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ (COVID-19) //Збірник наукових праць SCIENTIA. – 2021.
18. Шарипов, С. С., Чоршанбиев, Х. А., Исроилов, А. Б. Ў., & Зиёдуллаев, Б. Б. Ў. (2022). ТИШ ҚАТОРИДАГИ АНОМАЛИЯ ВА ДЕФОРМАЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИНИ АМАЛИЁТГА ТАДБИҚ ҚИЛИШ. Journal of new century innovations, 15(2), 86-88.
19. Шарипов, С. С. (2022). ЧАККА-ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ ДИСФУНКЦИЯСИ ВА ТИШЛОВ АНАМАЛИЯЛАРИГА АДАБИЁТЛАР ШАРҒИ. Journal of new century innovations, 15(2), 92-94.

20. Хабилов, Н. Л., Шарипов, С. С., Ўткирбек, А., & Абдусатторович, А. З. (2022). ЖАҒ ПРОТЕЗЛАРИ ВА ОБТУРАТОРЛАРНИНГ ГИГИЕНИК ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ УСУЛЛАРИГА АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ. *Journal of new century innovations*, 15(2), 89-91.

21. Шарипов, С. С., Ўткирбек, А., & Абдусатторович, А. З. (2022). ЎСМИРЛАР ОККЛЮЗИОН САТҲДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ ЧАККА ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ РИВОЖЛАНИШ ТАЪСИРИГА АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ. *Journal of new century innovations*, 14(4), 142-149.

22. Хабилов, Н. Л., Шарипов, С. С., Ўткирбек, А., & Абдусатторович, А. З. (2022). ЎСМИРЛАР ТИШ ҚАТОРЛАРИ ВА ОККЛЮЗИОН САТҲДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ ЧАККА ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ РИВОЖЛАНИШИ. *Journal of new century innovations*, 14(4), 150-151.

23. Lukmanovich, X. N., Salomovich, S. S., O'tkirbek, A., & Abdusattorovich, A. Z. (2022). COVID-19 BILAN O'G'RIGAN TISHSIZ BEMORLAR OG'IZ SHILLIQ QAVATI TIZIMIDAGI BUZILISHLAR. *Journal of new century innovations*, 14(4), 152-154.

24. Сафаров, М., Шарипов, С., Ярашева, Н., Очилов, О., Худойназаров, С., & Мирюнусов, М. (2014). Влияние несъемных зубных протезов различной конструкции на микробиологические и иммунологические показатели полости рта. *Stomatologiya*, 1(1 (55)), 18-23.

25. Gaffarov, S., & Sharipov, S. (2014). ANALYSIS OF MACRO AND MICROELEMENTS IN TEETH, SALIVA, AND BLOOD OF WORKERS IN FERGANA CHEMICAL PLANT OF FURAN COMPOUNDS. *European Medical, Health and Pharmaceutical Journal*, 7(2).

26. Сафаров, М., Мусаева, К., & Шарипов, С. (2017). Олинмайдиган кўприксимон тиш протезларининг оғиз бўшлиғи микробиологик ҳолатига таъсири. *Stomatologiya*, 1(2 (67)), 51-54.

27. Toshpo'latova, K., Safarov, M., Sharipov, S., Kim, V., & Ro'zimbetov, K. (2020). Implant bilan qo'llab-quvvatlanadigan ko'priklardan foydalanadigan bemorlarda travmatik okklyuzionni bartaraf etish texnikasi. *Evropa molekulyar va klinik tibbiyot jurnali*, 7 (2), 6189-6193.